

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 26 январь, № 18 (5438)

Пайшанба



ЁШЛАРНИНГ ПАРВОЗ МАЙДОНИ

Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир.

Ислом КАРИМОВ



Рақамлар сўзлайди

● 1991 йилда республикада халқ таълими тизимидаги мактабларнинг барча спорт заллари сони 4128 тани ташкил қилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 4624 тага, 2011 йилда эса 6223 тага етди.

● Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003 — 2011 йиллар давомида 1361 спорт иншооти фойдаланишга топширилди.

● Энг чекка ҳудудларга болалар спорт объектларининг кенг миқёсда қурилиши ва реконструкция қилиниши, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш натижасида спорт билан мунтазам шуғулланган 6 — 15 ёшдаги болалар сони сезиларли даражада ортди. Жумладан, 1991 йилда 199 626 нафар (72 326 нафари қизлар) бола спортга ошно тутинган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 1 007 177 нафар (423 914 нафари қизлар)га, бугунги кунга келиб эса 1 594 461 нафар (696 113 нафари қизлар)га етди.

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарини мутолаа қилар эканмиз, ҳар гал унда билдирилган чуқур ўй ва фикрлар, гоғлар ва бекиёс тарбиявий аҳамиятга эга қарашларнинг мазмун-моҳиятини янада теранроқ англаб, ўзимиз учун улкан маънавий озуқа оламиз.

Хусусан, ушбу асарда инсонга хос орзу-интилишларнинг рўёбга чиқиши, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган икки омил — моддий ва маънавий олам бахисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсланди. Қачонки, улар ўзаро уйғунлашиб, чин маънодаги қўшқанотга айлансагина инсон, давлат ҳамда жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлиши айтади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида баркамол авлодни воёга етказиш мақсадида жисмоний ва маънавий тарбияга бирдек эътибор қаратилаётганининг таг-заминида ҳам ана шундай ёндашув, эзгу мақсад мужассам, десак, хато қилмаган бўламиз. Мустақил юртимизнинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун” деб аталганининг ўзи бунинг яққол тасдиғидир.

Хўш, биз соғлом авлодни қандай тасаввур қиламиз? Соғлом авлод гоёси орқали олдимизга қандай мақсадлар қўйилган? Бу саволларга давлатимиз раҳбарининг қўлидаги сўзлари аниқ жавоб бўла олади: “Соғлом авлод деган-



Мустақиллик йилларида 15 нафар иқтидорли қиз спорт соҳасидаги ютуқлари учун Зулфия номдаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

да, шахсан мен, энг аввало, соғлом насли, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунам.

Ифтихор

Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади”. Ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўлимизнинг узвий қисми, таъбир жоиз бўлса, энг муҳим бўлаги саналган мазкур сиёсат амалий ифодасини топиб, мана, йигирма йилдан ошибдики, ўз самарасини бераётди. Шу боис улкан имкониятлардан баҳра олиб, ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб ул-

ларига ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди. Таъкидлаш жоиз, ёш авлод-ни она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда Президентимиз ташаббуси билан

йўлга қўйилган уч босқичли мусобақалар тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинларининг алоҳида ўрни бор. Мазкур мусобақаларнинг дастлабки босқичидаёқ минг-минглаб ёшлар спорт борасида ўз имкониятларини синаб кўрадилар. Аввало, шу орқали улар ўртасида спортнинг оммавийлиги ошади. Рақиб ўзидан

кучлироқ эканини сезган ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланишга эҳтиёжи борлигини англайди ва бунга астойдил киришади. Қолаверса, бунда бахсар ёшлар орасида соғлом рақобатини ҳам юзага келтиради. Яъни навбатдаги босқичларга ўтгани сайин кучли рақибларга дуч келиши уларни янада жиддийроқ машғуллар олиб боришга ундайди.

Ушбу ноёб тизим фарзандларимизни фойдали ҳаракатга йўналтириш, курашда чиниктириш, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялаш, қисқа қилиб айтганда, спортни уларнинг ҳаётий эҳтиёжига айланатиришга хизмат қилмоқда.

Эътироф

— Бугун ҳеч бир нуфузли спорт мусобақаси Ўзбекистон вакилларининг иштирокисиз ўтмайди. Қолаверса, улар доимо ғолибликка асосий давogarлардан бири сифатида эътироф этилади. Мамлакатда спорт соҳасига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ерда ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топиши, дунёвий билимларни пухта эгаллаши учун яратилган шарт-шароитлар ҳавас қилишга арзийди. Рейн гимнастика федерациясининг гимнастика спорт турлари делегацияси таркибиде ушбу заминга ташриф буюриб, мавжуд имкониятлар билан яқиндан танишгач, бунга амин бўлдим.

Барбара КЛИМА, бадий гимнастика мураббийи (Германия).

4-бетга қаранг.



Андижон шаҳридаги Ёшлар спорт саройи — навқирон авлоднинг сезилми маскани.

СЕЙСМИК МУСТАХКАМ ҚУРИЛИШ — ИЛМ-ФАН ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Истиқлол йилларида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Кўркам маъмурий бинолар, корхоналар, таълим муассасалари, турли ижтимоий инфратузилма объектлари, янги тураржойлар барпо этилмоқда. Бу Ўзбекистоннинг барча соҳаларда жадал ривожланаётганидан далолатдир.

Анжуман

Вазирлар Маҳкамасининг 19 январда бўлиб ўтган 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг қўламли дастур амалга оширилади бошлаганидан буюн, яъни сўнгги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлганини таъкидлади. Жорий йилда қишлоқ аҳолиси учун

8 минг 510 та яқка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган, бу эса ўтган йилдагига нисбатан 15 фоиз кўпдир. Ўзбекистонда биноларнинг сейсмик мустахкамлигини таъминлаш, зилзилаларни ўрганиш ва прогнозлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Зилзилалар динамикасидаги мураккаб жараёнлар: ночизиқлилик зилзила баҳорати ва сейсмик барқарорлик» мавзусидаги халқаро илмий анжуман ана шу долзарб масалаларга бағишланди.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Юртимизда маҳалла тизимини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, унинг ваколатлари қўламини кенгайтириш, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга доир кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

Бу борада Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Хусусан, унда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Зеро, шу орқали маҳаллада маъ-

навий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларни тарғиб қилиш, баркамол авлодни воёга етказиш, ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлиги янада ошади. Концепцияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун унинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли — оилавий бизнеснинг қонуний асосларини белгилаб қўйиш вақти келгани, бу бизнес турининг юртимизда шакллانган қадимий анъаналар ва

мавжуд ҳўжалик юритиш фаолиятига мос келиши кераклиги ҳам алоҳида таъкидланган. Шу муносабат билан “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни янада такомиллаштириш устида изланишлар олиб борилаётди. Айна чоғда жойларда оилавий бизнесни кенг ривожлантириш, бу борада маҳалланинг ролини оширишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

ислохотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Хайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид

жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг таркибий тармоқлари раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурор-

лар, департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этди. Хайъат мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустахкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2011 йилдаги фаолияти яқунлари муҳокама этилди.

Такидланганидек, ўтган

(Давоми 2-бетда).

Сарҳисоб

йили прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ижроси устидан назоратни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига роғпа-роса 20 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида икки давлат ўртасида ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугун мамлакатларимиз ўзаро тўғри тушуниш, ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилишга қаратилган анъанавий дўстона муносабатларни юқори баҳолайди ва қадрлайди.

Ўзбекистон — Япония: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ 20 ЙИЛИ

Ўзбекистон ҳамда Япония халқларининг дўстлик ришталари, савдо ва маданий алоқаларининг тарихи кўҳна Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалади. Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик тарихга эга яқин муносабатлар бугунги кунда ҳам изчил давом этаётган ҳамда улар Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг муҳим омил бўлмоқда.

Қушон давлатининг эътиборли динларидан бири — буддавийлик I-VI асрларда Ўзбекистон ҳудудида тарқалган муштарак тарихий индизлар мавжудлигини тасдиқлайди. Кейинчалик буддавийлик Ўрта Осиё халқларининг қадрият ва анъаналари билан бойигани ҳолда, Япония оролларида қадар етиб борган.

1991 йил 28 декабрда Япония Ўзбекистон мустақиллигини тан олган кундан бошлаб давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларининг янги босқичга асос солинди. 1992 йил 26 январда дипломатия муносабатлари ўрнатилган, Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтарилдики, қатор юксак даражадаги раҳбарларнинг йўналиши учрашувлар мамлакатларимиз ўртасида фаол сиёсий мулоқот олиб борилаётганини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил 8 — 10 феврал кунлари Японияга буюрган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга янги кучли туртки берди. Ташриф чоғида юқори технологиялар соҳасига иختисослаштирилган йирик компаниялар билан қатор келишувларга эришилдики, улар нефть-газ, кимё, нефть-кимё, энергетика, машинасозлик, тўқимачилик саноати каби республикамиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган соҳаларига япон технологиялари ва сармояларини жалб этишга йўналтирилган.

Замонавий босқичда ҳар икки давлат минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор масалаларда бир-бирини сиёсий жиҳатдан ўзаро қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоллигига қабул қилинишини маъқуллаяди. Япония, ўз навбатида, Президент Ислом Каримовнинг Ўрта Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш бўйича

ташаббусини қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон ва Япония ўртасида йўлга қўйилган парламентларо ҳамкорлик фаол ривожланапти. Япония парламентида “Япония демократик партияси — Ўзбекистон” ҳамда “Япония Либерал-демократик партияси — Ўзбекистон” дўстлик лигалари ташкил этилган. Мамлакатимиз парламентининг Қонунчилик палатаси таркибига эса “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — Япония парламенти” парламентларо гуруҳи фаолият юритиб келмоқда.

Икки давлатнинг сиёсий алоқалари ҳақида тўхталганинг қадрият ва анъаналари билан бойигани ҳолда, Япония оролларида қадар етиб борган. 1991 йил 28 декабрда Япония Ўзбекистон мустақиллигини тан олган кундан бошлаб давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларининг янги босқичга асос солинди. 1992 йил 26 январда дипломатия муносабатлари ўрнатилган, Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтарилдики, қатор юксак даражадаги раҳбарларнинг йўналиши учрашувлар мамлакатларимиз ўртасида фаол сиёсий мулоқот олиб борилаётганини тасдиқлайди.

Биз ва жаҳон

Ўзаро муносабатлар, савдо ва сармоявий шерикликни рағбатлантириш, интеллектуал мулоқот, маданий алоқалар, инсон ресурслари алмасуви синга ҳамкорлик йўналишларини ўз ичига олган “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти доирасидаги фаол ҳамкорликни ёдга олмаслик мумкин эмас.

2010 йил 7 август кунги Тошкентда мазкур Мулоқотнинг ташқи ишлар вазирлари учинчи йилгилиши муваффақиятли ўтди ва унинг яқунлари бўйича Япония иштирокида минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Бугун Япония Ўзбекистон Республикасининг йирик инвесторларидан бири саналади. Нефть-газ соҳаси, транспорт жабҳаси, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тармоқлардаги устувор лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун киритилган молиявий маблағларнинг умумий ҳажми 2,3 миллиард АҚШ долларидан зиёд, нефть-газ, кимё, нефть-кимё, энергетика, машинасозлик, тўқимачилик саноати каби республикамиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган соҳаларига япон технологиялари ва сармояларини жалб этишга йўналтирилган.

Замонавий босқичда ҳар икки давлат минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор масалаларда бир-бирини сиёсий жиҳатдан ўзаро қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоллигига қабул қилинишини маъқуллаяди. Япония, ўз навбатида, Президент Ислом Каримовнинг Ўрта Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш бўйича

(Давоми 2-бетда).



«Асака» банки:

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ КЎМАҚДОШИ

Мамакатимиз иқтисодиётининг реал сектори корхоналари, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор тўғрисида маъруза таянч кучга айланмоқда. Айниқса, кўрсатилаётган банк хизматларидан самарали фойдаланаётган тадбиркорлар фаолияти тараққиётининг янги босқичига кўтарилиб, ички бозорни рақобатбардор

маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини оширишда халқ қилувчи аҳамият касб этаётди. Бунга «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки миқдорлари ҳаётидан қўллаб-қувватлаш мумкин. Гап шундаки, Президентимизнинг махсус қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Асака» банки томонидан 454,5 млрд. сўм

миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 13 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Кредит маблағларининг асосий қисми эса юқори технологияларни талаб қилаётган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва бошқа илғор илм-фан ютуқларига асосланган лойиҳалар ижросига йўналтирилгани, айниқса, қувонарлидир.

«Диплом билан бизнесга»

Ўтган йили, шунингдек, «Асака» банки томонидан кичик бизнес субъектлари самарали банк хизматларини тақдир этиш мақсадида тизимда бир қатор янгиликлар яратилгани, виллоятлардаги тадбиркорлар билан урғунлаштирилган ҳам қўлланган натижани берди.

Жумладан, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида ёшларни бизнесга йўналтиришга қаратилган «Диплом билан бизнесга» лойиҳаси амалиётга изчил жорий қилинди. Унинг доирасида олий ўқув юртлири талабалари ва касб-хунар коллежалари ўқувчилари орасида бизнесни бошқаришнинг самарали усулларини ўргатишга мўлжалланган ўқув-семинарлар уюштирилган, ўз навбатида, бизнес фаолиятини бошламоқчи бўлганлар учун маҳорат мактаби вазираси ўтади.

Бундан ташқари, «Келажак овози» ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида ёш тадбиркорлар форумлари ўтказилди. Шу каби тадбирларда ёшларга соҳага оид қўнучилик асослари, кредит олиш тартиби ҳамда бошқа иқтисодий билим ва ўқималар берилди. Бунинг самараси ўлароқ, таълим муассасалари битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун 1,6 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилганлигини таъкидлаш жоиз.

Банк томонидан пойтахтимизда 2011 йил 3 июнда О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» мавзусида ўтказилган йирик анжуман республикаимизнинг турли минтақаларидан келган тадбиркорларнинг бизнесга оид билимларини бойитиш билан бирга, янги лойиҳаларини рўёбга чиқариш имконини берди.

Рақбатнинг тотли меваси

Сабаби, анжуман доирасида тадбиркорларнинг бизнес-лойиҳалари кўриб чиқилиб, улар орасидан энг мукамаллари алоҳида эътибор этилган ҳолда, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Хусусан, Гулистон шаҳрида фаолият юритаётган «Аҳмадбек Файз Нур» шўъба корхонаси, Тошкент шаҳрилик тадбиркор Камола Адилова-нинг лойиҳалари юқори баҳолалиб, улар банк томонидан имтиёзли равишда молиялаштирилди.

Шу ўринда «Асака» банки томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ўтказилган «2011 йилнинг энг яхши лойиҳаси» ва «Энг яхши қишлоқ лойиҳаси» танловлари ҳамда уларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этиш зарур. Чунки ушбу танловларда Қоракалпоғистон Республикаси ва барча виллоятларда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари қамраб олинди. Танловни ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи аъзолари томонидан келиб тушган аризалар диққат билан ўрганилиб, асосий эътибор тақдим этилган лойиҳалар бўйича яратилаётган янги иш ўринлари сони, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳамда

меҳнат ресурслари зич жойлашган туманлардаги тадбиркорлик субъектларининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва маҳаллий но-оziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш-ни кенгайтиришдаги ҳис-саси каби жиҳатларга қаратилади. Ана шу мезонлар асосида аниқланган қўнучилар ахбороти шартларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қим-

матбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги қарорига мувофиқ, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни жадал барпо этиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш пайидан бўлинди. Ушбу мақсадлар учун 94,9 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилгани белгиланган вазибаларнинг тўлиқ удданишини таъминлади.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги қарорига асосан, 71,3 млрд. сўм маблағ ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш ва турларини кенгайтириш лойиҳаларига йўналтирилди. Натижада мавжуд корхоналар техник ва технологик жиҳатдан қайта модернизация қилинган бўлса, қўллаб-қувватлар ҳам ишга туширилди.

Микрокредит: қулайлик ва имконият

Банк раҳбарияти ажратилаётган микрокредитлар ҳажмини муттасил ошириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратапти. Чунки молиялаштиришнинг бу усули икки томонлама қулай бўлиб, лойиҳаларни тезда амалга оширишга қўмаклашади.

Масалан, кичик корхоналар ва микрофирмалар умумий қиймати 24,9 млрд. сўмлик микрокредитлардан унумли фойдаланган бўлса, 3,1 млрд. сўм миқдордаги шундай сармоялар қўллаб-қувватлашнинг бизнис фаолиятларини йўлга қўйишда асослидир.

— Бугун Андижон шаҳрига келганлар унинг кўркам қиёфасига мафтун бўлиб қолиши турган гап, — дейди «Andijon shah qurdonasi» МЧЖ директори Азизулло Атажаев. — Бу ерда Президентимизнинг 2010 йил 18 июлдаги 1355-сонли қарори асосида кенг қўллади қурилиш ишлари бажарилди. Эски бино ва иншоотлар ўрнида замонавий лойиҳалар бўйича янги тураржойлар, ижтимоий соҳа объектлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Амалга оши-

рилган бу ишларга муносиб ҳисса қўиш, виллоятимизга ташриф буюрувчиларга меҳмонхона хизмати-ни йўлга қўйишнинг дилмига туккан эдим. Бу ниятим «Асака» банки Андижон виллояти филиалининг молиявий кўмаги билан рўёбга чиқди. Замонавий андозларга жавоб берувчи, 28 ўринга мўлжалланган меҳмонхонамиз Муствақилгимизнинг 20 йиллиги байрами арафасида қурилиб, ишга туширилди. Пировадидида 11 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Улардан 6 нафари коллеж битирувчисидир. Келгусида эса иш ўринлари сонини 30 тага етказиш ниятидамиз.

Сердаромад тармоқ

Банк филиаллари эътиборидан қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ҳам четда қолаётгани йўқ. 2011 йилда биргина чорвачилик тармоғини ривожлантириш учун 3,3 млрд. сўм йўналтирилди.

— Бизнинг чорвачиликка ихтисослаштирилган корхонамизни ташкил этишда «Асака» банки Қашқадарё виллояти филиалининг молиявий кўмаги қўл келди, — дейди «Вилоят Наслчилиги» МЧЖ раҳбари Аҳмед Шарипов. — Мисол учун, банк кредити ҳисобида 2011 йилда хориждан наслдор қорамоллар олиб келиб, халқимиз дастурхонига арзон гўшт ва

сўт маҳсулотлари етказиб бериш-ни йўлга қўйдик. Айни пайтда фаолиятимизни янада кенгайтириш, қорамоллар наслини яхшилаш ва бош сонини кўпайтириш хара-катидамиз. Табиийки, бу борада ҳам банкнинг ёрдамига суянамиз. Тадбиркорлик — серқирра соҳа, шунга яраша имконияти ҳам чек-сиз. Мамлакатимизда ишбилар-монларга қулай муҳит яратиш бе-

ригани натижасида мавжуд имкониятлар тўла ишга солиниб, соҳанинг барча қирралари кашф этилаётди. Пировадидида бу юрт маъмурчилиги, халқ фаровонлиги хизмат қилаётди. Мазкур жараён-да республикаимиз тижорат банк-лари қаторида «Асака» банки жа-моаси ҳам фаол қатнашиб, тадбир-корларнинг ишончли ҳамкорига ай-ланганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Зеро, ўтган йили банк сар-мояларининг салмоқли қисми кич-ик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик равнақига йўналтирилди.

Реклама ва эълонлар

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Асака» банки томонидан 454,5 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 13 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Факт ва рақамлар

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги қарорига мувофиқ, 94,9 млрд. сўмлик кредит маблағлари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил 28 январда имзоланган қарорга асосан, ажратилган 71,3 млрд. сўм маблағ ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш ва турларини кенгайтириш имконини берди.

Кичик корхоналар ва микрофирмаларга берилган микрокредитларнинг умумий қиймати 24,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

Банкнинг 3,1 млрд. сўм миқдордаги сармоясидан унумли фойдаланган қўллаб-қувватлар ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйишга муваффақ бўлдилар.

Касаначиликни, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 2,6 млрд. сўм, тадбиркор аёллар фаолиятини кенгайтириш учун 34,7 млрд. сўм, кичик бизнес субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш учун 584 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси учун 67,3 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Банк Ахборот хизмати.

ЖАҲОН 24 соат ичида Танглик тўғрисида

Замонавий технологиялар ишлаб чиқарувчи «Siemens» (Германия) компаниясининг соф даромади ўтган йилнинг октябрь — декабрь ойларида 17,7 фоизга камайган.



Шунингдек, бу даврда маҳсулотларга олинган буюртмалар ҳам 5 фоизга қисқарган. Изоҳлан-шича, бундай салбий кўрсаткичнинг кузатили-шига Европада давом этаётган молиявий ин-қироз сабаб бўлган.

Компания бош директори Петер Лешер мавжуд аҳволга муносабат билдирар экан, бу «Siemens»нинг истиқболли кунлари ортда қолиб, янги йил янада оғир келишидан далолат эканини таъкидлади.

Ҳаракатлар зое кетди

Европадаги нефтни қайта ишлавчи йирик корхоналар бири — «Petroplus» (Швейцария) банкротлик ҳолатига тушиши мумкин.

Завод фаолиятини тоқатириш бораси-да қилинган саъй-ҳаракатлар бесамар кетган. Ҳозир унинг қарзлари 1,3 миллиард АҚШ долларини таш-кил этмоқда. Шу боис компанияга хом ашё етказиб бериш ҳам тўхтатилган.

2010 йилнинг де-кабрь ойида «Petroplus» Европадаги «қора ол-тин»ни қайта ишлавчи учта корхонасини ёпишга мажбур бўлган-ди. Айни пайтда унинг 2500 нафар ходими тақ-дири ҳам қандай ке-чи-ши номаълумлигича қолмоқда.

Шаффоф самолёт

Франциянинг «Аэробус» авиасозлик компанияси шаффоф қобили инкчи самолётни намоиш этди.



Унда йўловчиларга осмондан завқланиш ёки пастдаги манзарани тўлиғича кўриш имкони яратилган.

Шундай турдаги биринчи ҳаво лайнери ўтган йилда тайёрланганди. Самолёт конструкцияси қуш скелети асосида тузилган. Бу унинг мустақамли-гини ошириш учун хизмат қилиши билан бирга, кабина сиртидаги ҳаво ҳароратини назорат этиш имконини ҳам беради. Лайнер ўсимликлардан олин-ган табиий толарлардан ишланган.

Италияда зилзила

Италия шимолда зилзила содир бўлди.

Мамлакат геофизика институти маълумотла-рига қараганда, ер силкинишининг кучи 4,9 баллни ташкил эт-ва хизматлар кўрсатишга мўлжал-ланган, шу жумладан, оилавий бизнесни ривожлантиришга қарати-лган лойиҳаларга устуворлик берилади.

бўлса-да, унинг таъси-ри Милан ва Турин ша-ҳарларида ҳам сезил-ган. Ҳозирча зилзила келтирган талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Овчилар учун тақик

Хитой Тайпейда 2012 йилдан сузгич-лари кесиб олинган акулаларни денгизга қўйиб юбориш тақиқланди.



Чунки йиртқичлар бундай ҳолатда узоқ яшай олмай, тезда но-буд бўлади. Кўпчилик овчилар ушбу талабга риоя қилиб, тутилган акулаларини ошхона-ларга топширишмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ушбу мамла-катда бу сув жонзоти сузгичларига талаб жуда юқори. Унинг бир килограмми баҳоси 700 АҚШ долларини миқдоридалиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Бу ерда сузгичдан тайёр-ланган таомлар севиб истеъмол қилиниши нархининг бу даражада ошиб кетишига яна бир сабабдир.

Зулук ютган бола

Хитойлик 16 ёшли ўсмир Тао Цзюан шошилинч равишда жарроҳлик столига ётқизилди.



Бунга унинг зулукни тириклайин ютиб юборгани сабаб бўлди. Отасининг ай-тишича, Тао далада ишлаб қаңқаган ва ариқдан сув ичган. Уша пайт зулук сув бил-ан унинг ичига кириб кетган. Шундан сўнг унинг соғлиги ёмонла-ша бошлаган. Орадан икки ой ўтгач, бола-кайни шифохонага олиб келишган. Бу

вақтда зулукнинг узун-лиги 10 сантиметрдан ҳам ошиб кетган экан. Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли якун-ланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Истеъмолчиларга парҳез маҳсулотлар

Зангиота туманида 2011 йил мобайнида парранда-чиликти ривожлантириш бўйича 5 та лойиҳа амалга оширилиб, янги ташкил этилган ҳўжаликларда 270 мингдан зиёд товуқ парвариши йўлга қўйилди.

Интилиш

«Машҳад Агро» хусусий корхонаси — шулардан бири. Айни пайтда мазкур ҳўжалиқда 20 мингдан ортиқ брой-лер жўжа саннат усулида боқилмоқда. Лойиҳа қиймати 200 миллион сўмлик ушбу корхонада йил давомида 40 тонна парҳез гўшт етиштирилиши мўлжалланмоқда.

Ш. ҒАЙРАТОВ.

Суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим қилиниб, «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 18 январдаги 12-сонида чоп этилган хабарнома билан

SAGDIANA REAL SERVICE МЧЖ аукцион савдосига чиқарилган, «Ал-Азизбек АГТҚШ» МЧЖга тегишли, Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида жойлашган автомобилларга суялтирилган газ қуйиш шохобчасининг аукцион савдоси вақтинча тўхтатилганлигини маълум қилади.

Асос: Суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 17 январдаги 14/01-2570/2-сонли хати.

Лицензия RR-0038

Манзил: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Бегуний кўчаси, 196-уй. Телефонлар: (8-366) 229-03-12, 229-65-88, (+99866) 269-41-11.

ТУРТАТ КУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПИЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПИЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси Комиссия аъзоси Марҳамат Қўшбаева Яқубовага волидан муҳтарамаси

ХУРСАНОЙ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Yoshlar» телерадиоканали ЕАЖ жамоаси овоз режиссёри

Ботир НУРМУХАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЁШЛАРНИНГ ПАРВОЗ МАЙДОНИ



Гулiston шаҳридаги «Алпомиш» спорт маркази — кўркам, муқташам ва замонавий.

Рақамлар сўзлайди

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8, пневмония билан касалланиш 15,5, бронхит билан касалланиш 16,2 ва сколиоз билан касалланиш 11,6 фоизга камайди.

Сўнгги беш йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулланадиган 10 — 14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3, қиз болаларнинг бўйи 2 сантиметрга ўсди, вазни эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограммга ошди.

Ҳозирги кунга қадар спортчиларимиз шу йил Лондон (Буюк Британия) шаҳрида бўлиб ўтadиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига 29 та йўлланма киўлга киритишди. Жумладан, велоспорт, енгил атлетика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, дзюдо, бадий гимнастика, бокс, оғир атлетика ҳамда таэквондо (WTF) бўйича вакилларимиз тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шунингдек, енгил атлетика, сузиш, дзюдо, футбол (эркаклар) каби спорт турлари бўйича ҳам қўшимча лицензияларни қўлга киритишга яқин турибмиз.

Кўлами кенгайиб бораётган беллашувлар

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари биринчи синф ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасалари битирувчиларигача — ёш авлоднинг барча вакиллари қамраб олиши билан аҳамиятлидир. Бу ҳолат йилдан-йилга кенг кўлам касб этиб бормоқда.

Масалан, 2002 йилда Фарғона вилоятида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг республика босқичига қадар жами 5 миллион нафарга яқин ўқувчи иштирок этган бўлса, 2003 йилда Хоразм вилоятида ташкил этилган ўйинларнинг дастлабки саралаш баҳсларида салкам 5,5 миллион нафар ўғил-қиз ўз иқтидор ва имкониятларини намойиш этди. 2006 йилда Қашқадарё вилоятида, 2009 йилда Сирдарё вилоятида уюштирилган беллашувларнинг якуний босқичига бўлган баҳсларга ҳам ана шунча ўқувчи жалб қилинди. Жиззах, Андижон, Тошкент, вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Сурхондарёда зўр

муваффақият билан ўтказилган «Баркамол авлод» ўйинларида эса минглаб ёшлар қатнашиб, олам-олам таассурот олдилар. Айталик, 2011 йилда Сурхон воҳаси мезбонлик қилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг дастлабки босқичида академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 1 миллион 600 мингдан зиёд фарзандларимизнинг 740 миң нафари ёки қарийб 50 фоизи иштирок этгани унинг қаровли қандай эканидан ҳам беллашувлар нақадар қизгин кечганидан дарак беради. Наманган, Бухоро, Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Андижон ви-

Эътироф

— Узоқ йиллардан буён спорт индустрияси соҳасида фаолият юритиб келаяпман. Шу давр мобайнида саккизта Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўришда иштирок этдим. Бундан ташқари, дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларига иш юзасидан сафар уюштирганман. Уларнинг ҳаммасида маҳсулотларимизни фақат марказий шаҳарларнинг спорт инфратузилмаларига етказиб берганмиз. Ўзбекистонда эса спорт, айниқса, болалар спорти доирасида барча ҳудудларга давлат томонидан бирдек эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдим. Ёш авлод ўртасида спортни оммалаштиришнинг бундай пухта йўланган механизмига қўйил қолдим.

Леонель АРЛИН, Франциянинг «Gefflog» компанияси тижорат ишлари бўйича директори.



кўрк қўшиш билан бирга, яна минглаб ёшлар қалбида спортга муҳаббат туйғуларини шакллантиришга таъсир кўрсатади. Мисол учун, «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинлари муносабати билан Термиз шаҳрида «Сурхон» спорт мажмуаси қурилди. Бу ерда 10 миң томошабинга мўлжалланган стадион, бадий гимнастика ва қўл тўпи заллари интилиб яшаётган мана шундай соғлом болаларимиз ҳалқаро мусобақаларда голиб чиқиб, Ўзбекистоннинг байрогини баланд кўтарса, худдики, уларнинг ёнида туриб шу

Уч босқичли тизим ҳақида сўз кетганда, «Кичик Олимпиада» ибораси бежиз қўлланилмайди. Сабаби, ушбу спорт мусобақаларининг ҳар бири халқаро Олимпиада стандартлари ва талабларига мос тарзда ўтказилади.

«Кичик Олимпиада»нинг катта ҳаяжони

Масалан, беллашувлар олдидан Олимпиада ўйинларига киёс тарзида тантанали равишда машъала ёқиш аънанага айланган. Мазкур жараён Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика — Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтида кечади. Бу ерда офтоб нуридан аланга олдиришга мўлжалланган ноёб қурилма мавжуд. Ноёб деганимизнинг боиси шундаки, бундай иншоот жаҳонда иккита бўлиб, бири Франция жанубидаги Пиреней тоғларида жойлашган. Бизга алоҳида гурур бағишлайдиган жиҳати, айрим халқаро мусобақалар заманимиздан кўр олган машъала билан бошланган. 2002 йили Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган XIV Осий ўйинлари машъаласи Паркентда аланга олдирилгани фикримиз тасдиғидир. Худди Олимпиада мусобақаларида бўлгани каби уч босқичли спорт ўйинлари иштирокчилари ҳам машъалани қўлдан-қўлга узатган ҳолда юртимиз шаҳару қишлоқлари бўйлаб кўп миң қақирим йўлни босиб ўтишади ва финал босқичи бўладиган жойга етказишади. Бу маросим улар хоти-

расида бир умрга ўчмас из қолдиради. Шу боис ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда мазкур тадбирнинг аҳамияти ниҳоятда бекиёсдир. Юртбошимиз томонидан 2000 йилда ҳаётга татиқ этилган ушбу гоё бугун ўз самараларини бераёпти. Яъни уч босқичли мусобақаларда тобланган йигит-қизларимиз эндиликда қиъта, жаҳон чемпионатлари ва бошқа нуфузли турнирлар, шунингдек, Олимпиада ўйинларида юртимиз шанини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Жумладан, бугун барчамизнинг фахримизга айланган, дунё спортида алоҳида ҳурмат билан тилга олинadиган дзюдочилар Ришод Собиров, Абдулла Тангриев, ўткир Курбонов, Габит Есимбетов, эркин курашчи Дилшод Мансуров, теннисчи Оқғул Омонмуродова, енгил атлетикачи Светлана Радзивилл, каноечи Вадим Меньков, шахматчи Руслан Қосимжонов, боксчи Аббос Атоев, футболчилар Одил Аҳмедов, Аббосбек Махсималиев каби кўплаб иқтидорларимиз ўзларининг илк умидбахш ютуқларини айнан уч босқичли спорт мусобақаларида қўлга киритишган.

Фахр

— Универсиада спорт ўйинларида кураш бўйича голиб чиққан эндиликда халқаро миқёсдаги мусобақаларда асқотмоқда. Жумладан, Пекинда ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида совриндор бўлдим, икки карра жаҳон чемпиони, деган унвонни қўлга киритдим. Бундан ташқари, «Masters» туркумидаги халқаро турнирларда бир неча марта муваффақиятга эришдим. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган эътибор ва гамхўрликлари натижасидир. Лондон Олимпиадасида ҳам бор куч ва имкониятимни ишга солиб, юртимиз байрогини баланд кўтариш ниятидаман.

Ришод СОБИРОВ, дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони.



Ғалаба нашидаси.

Соғлом, бақувват, шижоатли

Маълумки, 2002 йил 24 октябрда Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тўзиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Жамғарма фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига бағишлаб ўша йили ўтказилган мажлисда давлатимиз раҳбари уч босқичли тизим ҳақида алоҳида тўхта-

либ, жумладан, шундай деган эдилар: «Мен бундай спорт байрамларида иштирок этган ёшларни кўрсам, чин дилдан қувониб кетаман. Чехраси очик, эртанги кунга интилиб яшаётган мана шундай соғлом болаларимиз халқаро мусобақаларда голиб чиқиб, Ўзбекистоннинг байрогини баланд кўтарса, худдики, уларнинг ёнида туриб шу

байроқни кўтаргандек ифтихорга тўламан. Мана шунинг учун айтмоқчиман: спорт — бу эртанги кунга бўлган ишончимиз, бизларнинг ортимиздан келаятган авлодга соғлом ва бақувват қилиб тарбиялайдиган ҳаётимизнинг муҳим бир соҳаси, кундалик турмушимизнинг узвий бир жабҳаси бўлмоғи керак».

Дарҳақиқат, ана шу эътибор изчил давом эттирилмоқда. Юртбошимизнинг 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунга яққол тасдиқлайди. Умуман, болалар спортини ривожлантириш, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш таълим тизимиимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Давлатимиз раҳбари қаерга бормасинлар, албатта, ёшларга яратиб берилган шарт-шароитлар, спорт соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишадилар, — дейди Халқ таълими

вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари Олимжон Шодиев. — Утган йили Сурхондарё вилоятидаги «Сурхон», Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мажмуалари, шунингдек, Қўқон шаҳрида янги бунёд этилган Болалар спорт мажмуасида бокс, стол тенниси, бадий гимнастика, қўл тўпи, сузиш, футбол билан шуғулланаётган ёшлар билан учрашиб, самими суҳбатлашганимиз, ўзларининг қимматли тақлиф ҳамда маслаҳатларини берганиларни мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига қанчалар катта эътибор қаратилаётганини яна бир ёрқин исботи бўлди. Спортни ривожлантириш ва

оммавийлаштиришга берилadиган алоҳида эътибор тўғрисида вилоятлар спортчиларининг эришадиган натижалари ҳам тобора яхшиланмоқда. Айтайлик, илгари Тошкент шаҳри вакиллари аксарият спорт турлари бўйича беллашувларда вилоятлар жамоаларидан сезиларли даражада устунлик қилишарди. Уч босқичли тизим жорий этилган, вилоятлар спортчилари пойтахт жамоалари билан тенгма-тенг баҳс юритишга, айрим спорт турлари бўйича эса, ҳатто, улардан ўзиб кетишга ҳам эришмоқдалар. Ёки бир вақтлар, асосан, кураш мусобақаларида муваффақиятли қатнашган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ёшлари бугун футбол, баскетбол, гимнастика баҳсларида ҳам анча яхши

ҳизмат қилаверади. Шавкат Ортиқов, Ҳасан Пайдоев (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

● Реклама ва эълонлар ●

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT MILLIY BANKI

миллий валютадаги янги муддатли омонатга маблағлар қабул қилиш бошланганлигини маълум қилади.

«САДОҚАТ»

- Сақлаш муддати — 6 ой.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар ҳар ой (талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализациясиз) ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- Бадал миқдори чекланмаган.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йил 1 июлга қадар амалга оширилади.

«МАНФААТЛИ»

- Сақлаш муддати — 1 йил.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар омонатчининг ёзма ариза-сизига асосан, бўнақ тариқасида нақд пулсиз кўринишида коммунал тўловларни тўлашга йўналтирилади.
- Омонатчи омонат миқдорини коммунал ва бошқа хизмат турларининг тўлови учун зарур маблағ миқдоридан келиб чиққан ҳолда, мустақил равишда ўзи белгилайди.
- Ушбу омонатга пул маблағларини қабул қилиш 2012 йил 31 декабргача амалга оширилади.

Шу билан бирга, миллий валютадаги «Тарона» ва «Шинам» номли муддатли омонатларининг қайта амалга киритилганлиги ҳақида маълум қиламиз. Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топишганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Кўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкининг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин. WWW.NBU.COM

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 104 631 нусхада босилди. ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тогоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орнов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 23.15 12345